



АДАБИЁТШУНОСЛИКДА МОДЕРНИЗМ МУАММОЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.

Тангирова Д.Э

ЖДПУ катта ўқитувчи

Аннатация: Узоқ асрлар давомида ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларнинг пайдо бўлиши, бадиий ижод жараёнида турли туман методларнинг пайдо бўлиши бадиий асарларнинг адабий тур ва жанрларининг ҳам ранг-баранг шаклда бўлиши ҳамда юзага келишига сабаб бўлди. Фикрни исботлаш учун қуидида адабий тур ва жанрларнинг турли даврларда пайдо бўлиши ҳамда ўзига хосликлари бўйича атофлича тўхталишга ҳаракат қиласиз.

Калит сўзи: Жаҳон адабиёти, адабий-назарий жараён, янгилик ҳамда замонавийлик, жаҳоннинг илғор ижодкорлари.

Аннатация

Возникновение социальных и политических изменений на протяжении долгих веков, появление различных приемов в процессе художественного творчества обусловили появление литературных видов и жанров художественных произведений в различных формах. Чтобы доказать это, ниже мы попытаемся кратко остановиться на возникновении и особенностях литературных типов и жанров в разные периоды.

Ключевые слова: Мировая литература, литературно-теоретический процесс, новаторство и современность, передовые творцы мира.

Annotation: *The emergence of social and political changes over the long centuries, the emergence of different methods in the process of artistic creation caused the emergence of literary types and genres of artistic works in various forms. In order to prove the point, we will try to briefly discuss the emergence and characteristics of literary types and genres in different periods.*

Key word: *World literature, literary-theoretical process, innovation and modernity, advanced creators of the world.*

Жаҳон адабиётида модернизм методи пайдо бўлибди ҳамки, адабиётшунослик илмида у ҳақда доимо қизғин баҳс мунозалар бўлиб келмоқда. Ҳанузгача мазкур метод ҳақида алоҳида тўхтамга келингани йўқ. Д.Куронов айтганидек, бу борада аксарият тадқиқотлар “маъқуллаш-инкор қилиш” шаклидан узоқлашгани йўқ.

Шу ўринда модернизм ҳамда модерн адабиётидан фарқини англаш ўтиш ўринлидир. Адабиётшунос Мухмаджон Холбеков ушбу саволга тўхталиб, қуидагича холосаларга келган эди: “ ...модернизм-бу қонун -қоидаларига ,



ақида ва тамоийиллариға эга бўлган адабий оқим, жараён тушунчасини ифодаласа, модерн-бу замонавий, янгича адабиёт маъносини англатади. ...модернизм XX аср Фарбий Европа ва Америка абиётида кечган адабий-назарий жараён, яъни оқим деб тушунилса, модерн ҳар бир миллий адабиётда содир бўлувчи замонавий, янгича услугуб ва тамоийилларнинг мажмуасидан иборатдир.” Хуллас, модернизм кенг маънода ишлатилиб, адабиёт ва санъатнинг умумлашган таснифи сифатида намоён бўлса, модерн адабиёти атамаси аниқ маънода- ҳар бир миллий адабиётларда қўлланиладиган янгилик ҳамда замонавийлик йиғиндисидан ибора тушунча ҳисобланади.

Модернизм адабий метод сифатида, яъни адабиёт ва санъатнинг умумлашган тушунчаси сифатида XIX асрнинг охири ҳамда XX аср бошларидан пайдо бўлибдики, бу борада қатор тортишувлар, баҳслар, илмий холоса ҳамда қарашлар дунё юзини қўрди. Айрим тадқиқотчилар уни бадиий ижоднинг алоҳида методи сифатида талқин этган бўлсалар, айримлар уни фақат адабий метод сифатида қарашни маъқул, деб билдилар. Бу борадаги тадқиқот ҳамда баҳс- мунозарлар энг аввало табиий равишда Фарбий Европа ҳамда Америка тадқиқотчилари орасида пайдо бўла бошлади. Модернчилар бу дунёни ўзгартириш лозим. Лекин улар бу дунёни “... тадбирлар билан тузатиб бўлмайди деб бутун эътиборни ботинга қаратади. Инсон реал ҳаётда эмас, балки хаёлидагина баҳтли баҳтли бўла олади...”, деб ўйлайдилар. Ўзбек адабиётшунослигида бўлгани каби жаҳон адабий жараённида ҳам модернизм ҳамда унинг ақидаларини тушунадиганлар ҳамда тушунмайдиганлар гурухлари пайдо бўлди. Бу хақда испан файласуфи О.Гессет шундай дейди: “... янги санъат, яъни модерн санъати одамларни иккига бўлиб ташлади: уни тушунадиганлар ва тушунмайдиганларга, тушунадиганлар камчиликни ташқил қиласи, тушунмайдиганлар эса янги санъатни ёмон кўради,” дейди.

О.Гессет бу борадаги қрашларини давом эттириб, модернизмнинг реализмдан ухшаш ҳамда фикрли жиҳатларини ўзаро таққослаб қуйидги фикрларни билдиради. Унинг фикрича, реализм борлиқни акс эттирса, модернизм янги реаллик яратаман дейди. Чунки мавжуд реаликни тузатиб бўлмайди. Модернзм оламни хаос деб билди ва ундан қочди. Ташқи дунёда гўзаллик йўқ, уни ботиндан қидириш керак, дея бутун бошли модернизм методининг асосий моҳиятини ифодалашга ҳаракат қиласи.

Шунингдек, жаҳон адабиётшунослиридан Юнг К.Г., А.Генис, Борев Ю, каби қатор олимлар модернизм ва унинг келиб чиқиши борасида фикрлар билдирадилар. Адабиётшунос Улуғбек Ҳамдам улар қарашларини умумлаштириб, қуйидаги фикрни билдирган эди: “Чиндан ҳам, XX асрга келиб инсоннинг турмуш тарзи цивилизация натижасида мисли кўрилмаган даражада ўзгарди, мураккаблауди, одамларнинг ўзаро руҳий-маънавий мулоқатига путур етди-камайди, натижада руҳий мулоқот эҳтиёжи инсоннинг ичига ҳисб этилди. Ташқаридан кутилган баҳт, нажот иккита жаҳон уруши



оқибатида саробга айланди ва инсон ўз эҳтиёжи билан ёлғиз қолди. Модернизмнинг руҳий-психологик асоси шу нуқтадан бошланади.” . Бу ҳақдаги қарашларини якунлаб Улуғбек Ҳамдам қўйидаги хulosаларга келди: “У (модернизм- Т.Д) маълум муддат даврнинг умумий, универсиал кайфияти даражасига чиқли. У реализмга қарши эмас, балки реализм замирида (материалида) барпо этилган замонавийликнинг янги қасри бўлиб дунёга келди, яшади, яшамоқда.”

Модернизм масалари борасида дунё олимлар қатор таклиф ва мулоҳазаларни билдираётган бир вақтда, жаҳоннинг илғор ижодкорлари мазкур методда ижод қилиб, методнинг турли туман афзал томонларини исботлаб бера бошладилар. Ҳатто бу методда ижод қилиб, адабиёт ва санъат бўйича Нобель мукофотини ҳам қўлган киритган адиллар ҳам етишиб чиқдилар. Хусусан, француз ёзувчиси Албер Камю ана шундай мукофотни қўлга киритган ижодкор бўлиб, унинг модерн йўналишдаги роман жанрида яратилган “Бегона”, “Вабо”, “Калигула” драматик асари ҳамда “Сизиф ҳақида афсона”, “Исён қилаётган инсон” эсселари унинг мукофотланишига сабаб бўлди. Ҳатто Камюни кўпчилик “Европанинг виждони”, дея улуғлашади.

Немис тилида ижод қилган, яхудий миллатига мансуб Франс Кафка ўзининг “Жараён” романи, “Эврилиш”, “Жазо калонияси” ҳикоялари, “Отамга мактублар”, “Мелинага мактублар” каби эпистоляр жанидаги хатлари билан модерн адабиётида мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Шуниндек, Жойс, Беккет, Пруст, Вулф, Фолкнер, Елиот каби жаҳон адабиёти вакиллари ҳам модернизм методининг гуллаб яшнашига катта ҳисса қўшдилар.

Дунё адабиётшуослигида юзага келган бу каби қарашлар ўзбек олимлари ҳамда улар қарашларини ҳам четлаб ўтмади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Гессет Х.О. Дегуманизация искусства.-М.: Радуга, 1991.
2. Ҳамдам У. Жаҳон адабиёти: Модернизм ва постмодернизм. Тошкент, “Академнашр”, 2020 ,17-бет.
3. Холбеков М. 14-бет.
4. Модернизм. Сборник. Москва.: Искусство.1987 г.